

А Ж Р И М

2023 йил август ойининг 4 куни жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди, Сирғали тумани “Янги Сирғали” МФЙда, очиқ сайёр суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья А.Шамахмудов раислигида,

судья ёрдамчиси А.Раимов котиблигида, Сирғали туман прокурори У.Файзиев, адвокат Х.Каримова, фуқаровий даъвогар Б.Н. ва жабрланувчи Р.И.нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи

П.Б.Н. (Р.В.Н.), 00.00.0000 йилда

туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 00 нафар фарзанди бор, ҳарбий хизматга мажбур, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз,

яшовчига

нисбатан

1-1011-23/439-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Б.П. 2023 йил 4 июнь куни тахминан соат 14:30 ларда бошқарувидаги “Ласетти” русумли давлат рақами 00 X 000 RA бўлган автоуловни Сирғали тумани Янги Сирғали кўчаси бўйлаб, Сирғали автомобиль бозори томондан ҳаракатланиб, Сирғали деҳқон бозори қаршисига етган вақтида, йўлда бўлган ҳолат ва ўзгаришларга эътибор бермасдан, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди 1-қисми ва 53-бандида “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак. Тегишли ваколатга эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга йўл қопламасини бузиш ёки ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни ва ҳаракатланишни ташкил этишнинг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи нарсаларни қолдириш тақиқланади”, “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” деб кўрсатилган талабларига амал қилмасдан, ҳаракатланиши оқибатида, қарама-қарши тарафга бурилаётган вақтида қарама-қарши тарафдан келаётган ҳайдовчи Н.Б.М. бошқарувидаги “Матиз” русумли давлат рақами 00 L 000 KA бўлган автоулов келиб урилиб тўқнашув содир бўлган. Тўқнашув оқибатида “Матиз” русумли автоулов йўловчиси И.Р.Х. тан жароҳатлари олиб шифохонага мурожаат қилган.



Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 12 июндаги 0000-Ҳ-Хужсонли хулосасига кўра, Р.И “ўнг қўл тирсак суяги тирсак ўсиғининг ёпиқ синиб силжиши, пешона соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши” каби тан жароҳатлари аниқланиб, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра ўртача оғир даражадаги тан жароҳатлар эканлиги кўрсатилган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Б.П., жабрланувчи И.Р.Х. ва фуқаровий даъвогар Б.Н. аризалар билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Тошкент шаҳар ИИББ ТБ катта терговчисининг 2023 йил 25 июлдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Б.П.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши, ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Б.П. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганини баён этиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи И.Р.Х. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Б.П.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, ярашув ҳақидаги аризасини ўз хоҳиши билан ёзганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини баён этиб, Б.П.га нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Б.Н. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Б.П.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, ярашув ҳақидаги аризасини ўз хоҳиши билан ёзганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини баён этиб, Б.П.га нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд гумон қилинувчи Б.П., жабрланувчи Р.И ва фуқаровий даъвогар Б.Н ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчининг айбига ихтиёрий иқрорлигини ва етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва фуқаровий даъвогарга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, ярашув гумон қилинувчи, фуқаровий даъвогар ва жабрланувчининг хоҳишларига кўра бўлаётганини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят



ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Б.П.га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи И.Р.Х. ва фуқаровий даъвогар Б.Н.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи П.Б.Н. (P.B.N.)га нисбатан жиноят иши томонлар ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи И.Р.Х. ва фуқаровий даъвогар Б.Н.га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма кун ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

/имзо/

А.Шамахмудов

Ажрим нусхаси аслига тўғри: _____

